



Distinctive features of legal regulation of food security in Uzbekistan

Ulugbek AKHUNOV¹

ARTICLE INFO

Article history:

Received August 2025

Received in revised form

15 September 2025

Accepted 15 October 2025

Available online

25 November 2025

Keywords:

food safety,
rule of law,
prosecutorial oversight,
legal framework,
foreign experience,
improvement.

ABSTRACT

This article examines the issues of improving the legal framework for prosecutorial oversight of the implementation of food security legislation in our country, as well as analyzing the legislative experience of foreign countries on this matter. Based on the analysis, proposals aimed at enhancing the legal foundations for ensuring prosecutorial supervision over the enforcement of food security legislation have been substantiated.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss5-pp97-107>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

озиқ-овқат хавфсизлиги,
қонун устуворлиги,
прокурор назорати,
ҳуқуқий асослар,
хорижий тажриба,
такомиллаштириш.

Ушбу мақолада мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари, бу масала бўйича хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижасида озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар асослантирилган.

¹ Doctor of Philosophy in Legal Sciences (PhD).

Особенности правового регулирования продовольственной безопасности в Узбекистане

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

продовольственная безопасность, правопорядок, прокурорский надзор, правовые основы, зарубежный опыт, совершенствование.

В данной статье анализируются вопросы совершенствования правовой базы прокурорского контроля за исполнением законодательства о безопасности пищевых продуктов в нашей стране, анализируется законодательный опыт зарубежных стран по данному вопросу. В результате анализа обоснованы предложения, направленные на совершенствование правовой базы обеспечения прокурорского контроля за исполнением законодательства о безопасности пищевых продуктов.

Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини тизимли таҳлил этиш асосида уни яна такомиллаштириш, ушбу соҳада прокурор назоратини самарали таъминлашга хизмат қилади. Зеро, озиқ-овқат хавфсизлигига оид муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ўрганмасдан ва таҳлил қилмасдан соҳада прокурор назорати самарадорлигига эришиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини назарий жиҳатдан икки туркумга, яъни умумий ва махсус қонун ҳужжатларига бўлиб ўрганиш мумкин. Озиқ-овқат хавфсизлигини тартибга солувчи умумий қонун ҳужжатлари туркумига Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Солиқ кодекси, Ер кодекси, “Рақобат тўғрисида”ги [1], “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги [2], “Аҳолини айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга доир чоралар тўғрисида”ги [3] каби қонунларни келтириш мумкин.

Озиқ-овқат хавфсизлигини тартибга солувчи махсус қонун ҳужжатларига эса “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги (1997), “Она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида”ги (2019) Қонунлар, Ўзбекистон Президентининг “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавф-сизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018), “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаш-тириш тўғрисида”ги (2021), “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқарувини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2024) Фармонлари кабиларни санаш мумкин.

Ҳуқуқшунос олимлар В.Б. Ястребов ва В.В. Ястребов прокуратура органлари фаолиятини энг муҳим ҳуқуқий асоси фақатгина Конституция ва прокуратура тўғрисидаги қонундан иборат деб таъкидлайди [4].

Фикримизча мазкур фикр билан тўлиқ келишиб бўлмайди, чунки норматив тусга эга бўлган прокуратура фаолиятига тааллуқли бошқа ҳужжатлар ҳам прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ташкил қилади. Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асослари албатта прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи

қонун ҳужжатларига ҳам бевосита боғлиқдир. Бундай ҳуқуқий ҳужжатларнинг асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни ҳисобланади. Ушбу Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби, шунингдек, уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Шубҳасиз, айнан ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар прокуратура органлари фаолияти, қонунлар ижроси устидан назорат, шу жумладан, озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий асосларини ташкил этади [5].

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ озиқ-овқат хавфсизлиги масаласига алоҳида эътибор қаратиб, ҳуқуқий ҳужжатлар базаси шакллантирилмоқда. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар орасида Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 16 январдаги “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2023 йил 5 апрелдаги “2023 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлашни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-113-сон қарори муҳим ўрин тутди.

Мазкур қарорларда “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқилиши белгиланган.

Россиялик олим Д.Н. Касимов ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги доктринасидан ташқари, “Россия Федерациясининг озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги махсус федерал қонун қабул қилинмаганлигини асосий камчилик ва қонунчиликдаги бўшлиқ сифатида баҳолайди [6].

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой, Озарбайжон, Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон, Арманистон каби давлатларда озиқ-овқат хавфсизлигига оид ижтимоий муносабатлар алоҳида қонун билан тартибга солинган, мазкур соҳада давлат назорати масалалари ёритилган.

Шунингдек, МДҲ Парламентлараро Ассамблеясининг 1999 йил 16 октябрдаги 14-пленар йиғилишида “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги Намунавий қонун қабул қилинган.

Мисол учун, Туркменистон Республикасининг 2016 йил 23 ноябрдаги янги таҳрирдаги “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни 12-моддасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш устидан давлат назорати ёритилган бўлиб, унга кўра мазкур йўналишда давлат назорати аҳолини ҳаёт учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ва озуқа хомашёси билан таъминлаш ва ушбу йўналишдаги давлат дастурлари ижросини таъминлашга қаратилган. Мазкур Қонунга мувофиқ озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан давлат назорати Туркменистон Вазирлар Маҳкамаси, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги давлат бошқаруви органлари ва бошқа ваколатли давлат органлар томонидан амалга оширилиши белгиланган [7].

Бундан кўриниб турибдики, бошқа ваколатли давлат органлари жумласига прокуратура ҳам кириб, мазкур давлат органи озиқ-овқат хавфсиз-лигига оид қонун ҳужжатларини Туркменистон Республикаси ҳудудида аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилиш учун масъул ҳисобланади. Ёки, Россия Федерацияси [8], Белоруссия давлатларида озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари алоҳида доктринада ёритилган [9].

Шу боис, 2025 йил 3 февралда Ўзбекистон Республикасининг “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Шунингдек, бундай ягона қонун қабул қилиниши натижасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминланишига салбий таъсир кўрсатувчи, табиий ва техноген офатлар, дунё минтақаларида содир бўлаётган глобал беқарор сиёсий ва иқтисодий инқироз, пандемия, ҳарбий амалиёт ва бошқа ноҳуш ҳодисалар натижасида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш, шунингдек, олдиндан огоҳлантириш механизми ҳамда мони-торинг платформаси ташкил этилди ва доимий мукаммаллаштириб бориш имконияти яратилди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш тизимида тадбиркорлик фаолияти, шу жумладан, ишлаб чиқарувчидан якуний истеъмолчигача бўлган жараёни изма-из назорат қилиб бориш тизимини жорий қилиш учун дастак ҳисобланади. Ягона қонун ҳужжатини қабул қилиниши орқали озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларини тартибга солувчи нормаларни ягона ҳужжатда унификация қилиш ва тизимлаштириш, ушбу соҳасидаги муносабатларни комплекс ҳуқуқий тартибга солишга эришилади. Бунинг ижтимоий сўровда қатнашган 4680 нафар респондентларнинг 2577 нафари ёки 55 фоизи тасдиқлаб, озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида ягона қонуннинг қабул қилиниши зарурлигини маълум қилган [10].

Озиқ-овқат хавфсизлигига оид ҳуқуқий асосларни таҳлил қилар эканмиз, бу борада бир қатор ҳал этилиши лозим бўлган коллизия норма ва бўшлиқлар мавжудлигини кўрамиз. Биргина, амалдаги қонунчиликка кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилиши учун ажратилган ерлардан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини ўрганиш учун Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилиш талаб қилинганлиги оқибатида, қонунбузилишнинг олдини олиш ҳамда экин майдонлари устидан самарали назорат ўрнатишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Хусусан, 2018 йил 27 июлдаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5490-сонли Фармон [11], 2024 йил 14 ноябрдаги “Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-184-сонли Фармони [12]да, юридик шахслар томонидан ерлардан мақсадли фойдаланилиши, ижара шартномаси бўйича мажбуриятларга мувофиқ, улар томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини (*ғўза, дон ва бошқалар*) экиш бўйича ўрнатилган талабларга риоя этилишини назорат қилиш Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилган ҳолда амалга оширилиши белгиланган.

Бундан ташқари, Ер кодексининг 83-¹-моддаси кўра, фақатгина ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ўзбошимчалик билан ер эгаллаш ҳамда ноқонуний қурилиш қилиш ҳолатлари бўйича давлат назоратини амалга ошириш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳисобланмаслиги мустаҳкамланган [13]. Ушбу қоидада, фақатгина ер билан боғлиқ уч хил йўналишдаги қонун бузилиши ҳолатлари кўрсатилганлиги

оқибатида, ер майдонларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш ҳолатларини ўрганиш Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни хабардор қилган ҳолда амалга оширилиши лозимлиги қонунчиликда қолиб кетган.

Оқибатда жазога тортилиши хавфидан кўрқиб назорат идоралари ходимларида озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ ер қонун бузилишини аниқлаш, расмийлаштириш ва чора кўришдан қочиш ҳолатлари кузатилмоқда.

2022 йилда 815 нафар агроинспекция ходимлари текшириш тартибини бузгани учун маъмурий жавобгарликка тортилгани [14] оқибатида 2020 йилда ердан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ 65,7 мингта қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган бўлса, бугунги кунга келиб 87 фоизга камайиб, ўтган йилда 8,4 мингтани ташкил қилган [15].

Юқоридагиларга кўра, Ер кодексининг 83-¹-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5490-сонли, 2024 йил 14 ноябрдаги “Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-184-сонли [12] Фармонларга тегишли ўзгартириш киритиш орқали ерлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини ўрганиш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳисобланмаслиги ҳақидаги қонун белгилаш лозим.

Шу ўринда, озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишда Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 27 февралдаги “Ички бозорда нархлар барқарорлигини сақлаш ва аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги 85/8-сонли қарори муҳим ўрин тутди. Мазкур қарорда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳар ҳокимликлари туман-шаҳар бўйича картошка, ун, гурунч, ўсимлик ёғи, мол гўшти, парранда гўшти ва тухум ишлаб чиқариш ва истеъмол балансларини ишлаб чиқиб, ҳар йили 15 февралга қадар Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига тасдиқлаш учун киритиши, озиқ-овқат гуруҳи бўйича ўртача инфляция даражасини 10 фоиздан, нархларни эса 8 фоиздан оширмаслик лозимлиги белгиланган.

Бироқ, мазкур Қарор 13-бандида туман **бюджети даромадлар прогнозидан орттириб бажарилган қисми ҳисобидан** туман ҳокимликлари ҳузурида аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат билан таъминлаш жамғармаси ташкил этилиши, ушбу маблағлар асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш мақсадида сарфланиши белгиланган.

Назаримизда бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг 46 та Қарор ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларида 50 га яқин тадбирларни маҳаллий бюджетнинг орттириб бажарилган қисмидан молиялаштирилишини, айрим туманларда эса дотацияда ўтириб, туман бюджети даромадларининг орттириб бажарилган қисми мавжуд эмаслигини инобатга оладиган бўлсак, аксарият туманларда бундай жамғармаларга маблағ ўтказиш имконияти мавжуд бўлмайди.

Шу боис, аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат билан таъминлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш манбаи этиб мазкур ҳуқуқий ҳужжатда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маблағларини белгилаш таклиф этилади.

Натижада аҳолини қиш-баҳор ойларида кафолатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун шароит яратилади.

Мамлакатимизда 2022 йилдан бошоқли донни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маблағлари ҳисобига дон корхоналарида захиралаш тизими жорий қилиниб, бу тизим ўз самарасини берди. Бозорларда ун ва ун маҳсулотлари аҳолига барқарор ва узлуксиз етказиб берилмоқда. Нарх-наво ўсишининг ҳам олди олинди. Бу каби тизимни асосий турдаги бошқа маҳсулотлар бўйича жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни 4, 8-моддаларида озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат назорати Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳамда бошқа органлар томонидан амалга оширилиши белгиланган [16].

Бироқ, мазкур қонунда юқорида санаб ўтилган органларининг ваколатлари чегараси аниқ белгиланмаган, ушбу қонун фақатгина озиқ-овқатнинг сифати ва инсон саломатлигига хавфи нуқтаи назаридан талабларни белгилаб, аҳолини ушбу маҳсулот билан узлуксиз таъминлаш вазифаси белгиланмаган. Бу эса соҳада прокурор назоратини ташкил қилишда муайян мавҳумлик ва қийинчиликларни келтириб чиқаради. Айниқса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида вазирлик ва идораларнинг вазифа ва функциялари бир-бирини такрорлайди. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ягона орган де-факто мавжуд эмас.

Аграр ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш Қишлоқ хўжалиги вазирлигига юклатилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 27 февралдаги “Ички бозорда нархлар барқарорлигини сақлаш ва аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги 85/8-сонли қарори 3-илоvasи билан тасдиқланган Ички бозорда асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг барқарорлигини таъминлаш тартибининг 8-бўлимида бозорлар ва савдо объектларида нархларни сунъий ошириш, танқислик ва ажиотаж талабини юзага келтириш бўйича ноқонуний ҳаракатларни аниқлаш ва чек қўйиш чораларини кўриш Иқтисодий жинойтларга қарши курашиш департаментига юклатилган.

Бироқ, Департаментда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жамғариш ҳамда истеъмол бозорларида сотиш бўйича хўжалик шартномалари тузиш ва захирани молиялаштириш ваколати йўқлиги, ижро ва назорат функциялари бир ташкилотга юклатилганлиги боис, ушбу тизим етарли самара бермаяпти.

“Ўзбекозиқовқатхолдинг” компанияси эса (ПҚ – 4821, 2020 й) тугатилиб, унинг ўрнига Қишлоқ хўжалиги вазирлигида 12 кишидан иборат Озиқ – овқат саноатини ривожлантириш бош бошқармаси ташкил қилинган ва шундай долзарб масала бўйича давлат сиёсатини юритиш шу бошқармага қолганлиги назаримизда ўта аянчли ҳолатдир.

Вазирликка аҳолини узлуксиз таъминлаш учун зарур озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини шакллантириш юклатилган бўлсада, вазирликда аҳоли талабидан келиб чиқиб, озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш ва бозорда нарх

барқарорлигини таъминлаш учун сотувга чиқариш бўйича ваколат йўқ. Асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари биржага ўтиб кетганлиги, МТМ тизимида аутсорсинг жалб этилгани оқибатида 2019 йилдан бери “Ўзбекизовқатзахира” уюшмаси амалда фаолият юритмаяпти.

Хорижий мамлакатларда озиқ-овқат сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш ягона органга юклатилган. Жумладан, Россияда – Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва инсон осойишталиги соҳасида давлат назорат хизмати, Украинада – Озиқ-овқат хавфсизлиги ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат хизмати (State service on Food safety and Consumer protection), Грузияда – Озиқ-овқат миллий агентлиги (National Food Agency), Озарбайжонда – Озиқ-овқат хавфсизлиги агентлиги (Food Safety Agency), Германияда – Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги федерал офиси (Federal Office of Consumer protection and Food safety).

Юқоридагиларга кўра, алоҳида махсус қонун ҳужжати билан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ягона давлат органи ташкил этиш ва унга аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича аниқ ҳисоб-китобларни ишлаб чиқиш;

барқарор нархларда аҳолини йил давомида ва узлуксиз таъминлаш учун зарур бўлган ҳажмдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захираси шакллантириш;

озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш ва бозорда нарх барқарорлигини таъминлаш учун сотувга чиқариш ваколатларини бериш тақлиф этилади.

Шундагина, мамлакатимизда аҳолини қиш-баҳор ойларида озиқ-овқат билан узлуксиз ва барқарор нархларда таъминлаш имконияти вужудга келади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорти кескин қисқаради.

Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги прокурор назоратини ҳуқуқий тартибга солувчи ҳужжатлардан яна бири бу Бош прокурор буйруқлари ҳисобланади.

Ҳуқуқшунос олим Н.Д. Бут ўз илмий тадқиқотида Россия Федерацияси Конституцияси, федерал конституциявий қонунлар, қонунлар, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари билан Бош прокурор буйруқлари ва кўрсатмаларини ҳам прокурор назоратини ташкил этишни ҳуқуқий тартибга солувчи муҳим ҳужжат эканлигини қайд этган [17]. Бошқа бир тадқиқотчи А.И. Гребенник ўз изланишларида прокурор назоратини ҳуқуқий тартибга солувчи асосий ҳужжат бу 1992 йил 17 январдаги “Россия Федерациясининг прокуратура тўғрисида”ги 2022-сонли Қонуни бўлиб, унда прокурор назоратининг мазмуни очиқ берилгани, иккинчи ҳужжат эса Бош прокурорнинг буйруқлари эканлигини қайд қилган [18].

Н.Д. Бутнинг Бош прокурор буйруқларини прокурор назоратини ҳуқуқий тартибга солиш асоси сифатидаги фикрига қўшилган ҳолда, Бош прокурор кўрсатмаларини ҳуқуқий тартибга солиш воситаси сифатидаги фикрига қўшилиш мумкин эмас. Чунки, ўзбек тилининг изоҳли луғатида кўрсатма қандай ҳаракат қилиш, ишлаш лозимлигини кўрсатувчи йўл йўриқ, қўлланма сифатида таъриф берилиб [19], у муайян соҳада прокурор назоратини ташкил қилишда йўл-йўриқ кўрсатидагина қаратилган.

Қолаверса, Бош прокурорнинг 2017 йил 5 декабрдаги 172-сонли буйруғи 1-илоvasи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг регламенти” 5-бандида кўрсатма ташкилий-бошқарув йўналишидаги ҳужжат сифатида қайд қилинган [20].

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил қилиш масалаларига бир қатор Бош прокурор буйруқларида муайян вазифалар юкланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 25 майдаги 233-сонли Буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантиришга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги Низомнинг 7-бандида Бош прокуратураси Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантиришга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасига аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантиришга оид қонунчилик ҳужжатлари, Бош прокуратура ҳайъати қарорлари ва иш режалари, Бош прокурор буйруқлари, фармойишлари ва кўрсатмалари ижросини қатъий таъминлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширилиши устидан назорат олиб бориш вазифалари юклатилган.

Худди шу каби, Бош прокурорнинг 2022 йил 10 мартдаги 261-сонли Буйруғи билан Тошкент шаҳри ҳудудида ҳам қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши ва уларнинг ижроси устидан назорат бевосита Бош прокуратурасининг Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантиришга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармасига юклатилди.

Бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, шу жумладан Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 февралдаги “Ички бозорда нархлар барқарорлигини сақлаш ва аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги 85/8-сонли қарорида Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментга озиқ-овқат заҳирасини шакллантириш, бозорларда ажиотаж ва озиқ-овқат танқислигига йўл қўймаслик юзасидан вазифалар юкланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 майдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5446-сонли Фармони билан ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларига (*маҳаллий ишлаб чиқарилган ўсимлик ёғи ва ун, гўшт, шакар*), шунингдек, пахта шроти ва шелухасига бўлган нарх-навони асоссиз ва сунъий оширишга, уларга бўлган танқислик ва ажиотаж талабнинг вужудга келтиришга қаратилган ғайриҳуқуқий ҳаракатларни аниқлаш ва олдини олиш чораларини кўриш, марказлаштирилган ресурслар ҳисобидан озиқ-овқат товарлари, пахта шроти ва шелухасини харид қилиш, етказиб бериш ва сотишда коррупцияга қарши курашиш, ижтимоий аҳамиятга эга озиқ – овқат товарларига, шунингдек, пахта шроти ва шелухасини сотишда нарх – навони шакллантиришнинг белгиланган механизмларига риоя этилишини аниқланган қонун бузилишлари бўйича материалларни қонун ҳужжатларига мувофиқ чора кўриш учун ваколатли органларга йўналтирган ҳолда тизимли ўрганиш каби вазифалар юклатилган [21].

Бироқ, бу борадаги талаблар Бош прокурор буйруқларида акс эттирилмагани боис, Бош прокурор буйруғи билан Департаментнинг озиқ – овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан

назорат фаолияти тартиблари ва чегарасини аниқ белгилаш, яъни озиқ-овқат маҳсулотларини нархини сунъий ошиб кетиши, уларни захиралаш устидан назорат ўрнатиш, бунда қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликларни олдини олиш сифатида қайд этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонун ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишда мазкур йўналишдаги назорат органлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш муҳим ўрин тутди. Биргина, ўтказилган ижтимоий сўров жараёнида респондентларнинг 1024 нафари озиқ – овқат хавфсизлиги йўналишидаги назорат қилувчи органлар фаолиятини паст деб баҳолаган бўлса, 1532 нафари эса ўртача деб баҳолаган [22].

Бош прокурорнинг 2017 йил 7 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат самарадорлигини янада ошириш тўғрисида”ги 160-сонли Буйруғи 8.3 – бандида прокуратура органларига қишлоқ хўжалиги соҳасидаги назорат органлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш вазифаси белгиланган [23].

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 575-сонли қарорининг 1-илоvasи билан мазкур инспекцияга давлат буюртмасининг режали амалга оширилишига мувофиқ ҳажмларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захираларини шакллантириш бўйича талаблар бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш вазифаси юкланган [24]. Бироқ, назаримизда юқорида кўрсатилганидек қонунчилик базаси ва амалиётдаги бўшлиқлар тўлдирилмас экан агроинспекция томонидан бу борадаги назорат функциясини тўлақонли бажара олмайди.

Озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишдаги яна бир муаммо бу деҳқон хўжаликларида озиқ-овқат хавфсизлигига оид қонунчилик ижроси устидан назоратнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масаласидир.

Мамлакатимизда сўнгги уч йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2 та қарори асосида, яъни 23.11.2021 йилдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-20-сонли [25] ва 10.09.2022 йилдаги “Деҳқон хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 373-сонли [26] Қарорлари билан 200 минг гектарга яқин пахта ва ғалланинг унумдор ерлари озиқ-овқат экинларини экиш ва маҳсулотлар яратиш учун деҳқон хўжаликларига очиқ электрон танлов орқали ижарага берилди. Лекин, бугунги кунда амалиётда электрон танловни ўтказиш, унга юкланган маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлиги оқибатида мазкур соҳада прокурор назоратини ташкил қилишда муайян қийинчиликлар келтириб чиқармоқда. Айниқса, 4 турдаги ижтимоий дафтарларда турмаган ва меҳнат мигрантлари бўлмаган тоифадаги шахсларга оид сохта маълумотларни электрон танлов ахборот тизимига юклаш орқали танлов ғолиблигини қўлга киритиш ҳолатлари юзасидан 2023 йилда прокуратура органлари томонидан 61 та жиноят ишлари қўзғатилган.

Бизнингча, мазкур қонун бузилиши ҳолатларини олдини олиш мақсадида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга талабгорларга оид маълумотларни ҳаққонийлигини ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси томонидан электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш ҳақидаги тартибни киритиш мақсадга мувофиқ. Шундагина, электрон танловларда ғолибликни қўлга киритиш мақсадида сохта маълумотлар киритилиши ҳолатларига чек қўйилиши ва натижада соҳада прокурорлик назорати самарадорлиги ва сифати ошишига хизмат қилиши мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Рақобат тўғрисида”ги Қонун // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03.07.2023 й., 03/23/850/0439-сон.
2. “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун // Олий Мажлис Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 59-модда; «Халқ сўзи», 1996 й., 97 (1350)-сон.
3. “Аҳолини айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга доир чоралар тўғрисида”ги қонун // <https://lex.uz/docs/5398694>
4. Вестн. Моск.Ун-та.Сер.11.Право.2022.№4 С. 39-61.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/acts/106197>.
6. Касимов Д.Н. Россия Федерациясида озиқ-овқат хавфсизлигини норматив-ҳуқуқий тартибга солиш / Д.Н.Касимов. - Матн: тўғридан-тўғри // ёш олим. – 2020. – № 4 (294). 374-376 бетлар. - УРЛ: <https://moluch.ru/archive/294/66830> / (кириш: 13.06.2023).
7. Туркменистон Республикасининг 23.11.2016 йилдаги “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни // <https://online.zakon.kz>Document>
8. Доктрина продовольственный безопасности Российской Федерации от 21.01.2020 г.г, <https://www.scrf.gov.ru>economic>document108>
9. Доктрина национальной продовольственной безопасности Республики Беларусь до 2030 года, Утверждено Постановлением Совета Министров Республики Беларусь, 15.12.2017 г.г, № 962, https://www.mshp.gov.by>documents_animal-ru>view
10. Прокуратура органлари ходимлари ўртасида ўтказилган “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назорати аҳволи ҳақида прокуратура ходимларининг фикри” ижтимоий сўров натижалари. (диссертацияга илова қилинган).
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.07.2018 йилдаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5490-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.07.2018 й., 06/18/5490/1584-сон. ҚММБ, 2024 й., 06/24/184/0954-сон.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.11.2024 йилдаги “Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-184-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси, Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон.

14. biznesombudsman.uz/ru/
15. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг 13.05.2023 йилдаги 11.1/3-23-188-сонли хати билан тақдим қилинган маълумотлар.
16. Ўзбекистон Республикасининг 30.08.1997 йилдаги “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон.
17. Диссертация на тему: “Теоретические, правовые и организационные основы прокурорского надзора за исполнением законов о свободе экономической деятельности в Российской Федерации”. // <http://www.Dissercat.com>.
18. Гребенник А.И. Правовые основы и организация прокурорского надзора за исполнением законов в сфере образования в условиях дистанционного обучения/ А.И.Гребенник,-Текст: непосредственный // Молодой ученый.-2022.- №17 (412).- С.171-173.
19. Izoh.uz сайти. <http://Izoh.uz>>word>izoh.
20. Бош прокурор буйруқлари. <https://buyruq.prokuratura.uz/regulations/doc/568?page=0&perPage=10&sortDirection=desc&sortBy=acceptedDate&documentNumber=172&exactName=true>
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.05.2018 йилдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жинойатларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5446-сонли Фармони, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2018 й., 06/18/5446/1251-сон.
22. Прокуратура органлари ходимлари ўртасида ўтказилган “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан прокурор назорати аҳволи ҳақида прокуратура ходимларининг фикри” ижтимоий сўров натижалари (диссертацияга илова қилинган).
23. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг буйруқлари [Матн] Т.2.– Тошкент: “Тасвир”, 2018.– Б. 63-78.
24. Вазирлар Маҳкамасининг 12.07.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 575-сонли қарори, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.07.2019 й., 09/19/575/3415-сон.
25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.11.2021 йилдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–20-сонли қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.11.2021 й., 07/21/20/1091-сон.
26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.09.2022 йилдаги “Деҳқон хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 373-сонли Қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.09.2022 й., 07/22/373/0808-сон.